Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 11 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 160 (13.223)

Баҳоси эркин нархда

"ЎЗБЕКИСТОН ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР ҲАМКОРИМИЗДИР"

Тобора яқинлашиб келаётган қутлуғ байрамимиз — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатлар вакилларидан халқимиз номига йўлланган табриклар келиши давом этмоқда. Уларда самимий тилаклар билдирилиб, республикамиз тараққиёти хусусидаги фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Херберт ДОРФМАНН, Европа парламенти депутати, Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича делегацияси аъзоси:

— Мен Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, энг аввало, халқ фаровонлигини юксалтириш бўйича ҳаётга татбиқ қилинаётган ислоҳотлардан яхши хабардорман. 2009 йилдан буён Европа парламентидаги фаолиятим доирасида ўзбек ҳамкасбларим билан қатор учрашув ва музокараларда иштирок этиш, республикада босқичма-босқич рўёбга чиқарилаётган ўзгаришларнинг эътиборга молик натижалари билан танишишга муваффақ бўлганман.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган ривожланиш стратегияси хом ашёга асосланган марказлашган иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш имконини берди. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон жаҳон майдонида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга, халқаро ҳамкорликни, шу жумладан, Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга эришди.

Республиканинг Европа давлатлари билан ҳамкорлиги ҳақида тўхталар эканмиз, ўзаро алоқалар иқтисодий жабҳада бўлгани сингари таълим, илмий алмашувлар, сайёҳлик соҳаларида ҳам фаол ривожланиб бораётганини қайд этишни истар эдим. Ўзбекистон ишончли ҳамда барқарор шерик ҳисобланади, республика билан кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш икки томонлама фойдалидир, деб ҳисоблайман.

Бутун дунёга машҳур бўлган тарихий шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентга ҳар бир европалик бориши, мамлакатнинг бой тарихи ҳамда маданияти билан танишиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини мамлакат мустақиллигининг 25 йиллиги билан табриклаб, янада юксак тараққиёт, фаровонлик ҳамда замонавий демократик давлат қуриш йўлида янги муваффақиятлар тилайман.

Доминик ТИЛЬМАНС, Бельгия фахрий сенатори, EURISY Европа ассоциацияси президенти:

— Суверен ривожланиш йилларида Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар олиб бориб, кенг кўламли институционал ўзгаришларга, тараққиётга эришди. Қишлоқ жойларда замонавий уйларнинг барпо қилинаётгани, мамлакатдаги шаҳарлик бўлмаган аҳолининг яшаш тарзи сифат жиҳатидан янада юқори даражани касб этаётгани республикада олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари кўламининг катталигидан далолат беради.

Буларнинг ҳаммаси, яъни иқтисодиёт, таълим, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, изчил демократик ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча соҳасини либераллаштириш ҳамда модернизациялаш борасидаги натижалар ўзбек халқига мустақил ривожланишнинг 25 йиллик йўли билан ҳақли равишда фахрланиш имконини беради.

Албатта, Ўзбекистон ҳам худди Бельгия сингари кўп ишларни амалга оширмоғи лозим, чунки эришилган даража катта имкониятлар эшигини очмоқда. Шубҳа йўққи, республикада ҳукм сураётган сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлараро ҳамда динлараро ҳамжиҳатлик бундан кейинги ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Юртингиз аҳлини юксак марралар қўлга киритилгани билан табриклайман, олдинда турган вазифаларнинг амалга оширилиши йўлида энг эзгу тилакларимни билдираман.

Патрисия ЛАЛОНД, Европа прогнозлаш ва хавфсизлик институтининг катта илмий ходими (Франция):

— Мамлакатингизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда, ўлканинг замонавий тараққиётида аҳолининг иштирокини фаоллаштиришга ҳамда кенгайтиришга кўмаклашадиган фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

25 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

"Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови

Залда таралаётган қўшиқ Ватанни, тинч ва осойишта кунларимизни қадрлашга ундайди, кўнгилларда бахтиёр ва саодатли кунларимиз, фарзандларимиз истиқболи учун шукроналик туйғусини янада жўш урдиради...



Елкин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

Истиқлолимизнинг 25 йиллигига бағишланган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови мустақиллигимиз ҳақидаги энг сара қўшиқларни аниқлаш имконини бермоқда.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ўтказилган мазкур танловнинг мамлакат босқичида табаррук диёримизни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, ҳакамлар ҳайъати раиси Р.Абдуллаев, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзалиев ва бошқалар энг улуғ, энг азиз айём арафасида анъанавий ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови ёшларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, буюк аждодларимиздан фахрланиш, уларга муносиблик туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришдек мақсадга йўналтирилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловини юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Бастакорлар, Ёзувчилар уюшмалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур танлов жонажон юртимизни мадҳ этувчи янги-янги қўшиқларни яратишда, мусиқа санъатини янада равнақ топтириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда эзгу фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги танлов "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилиб, унга тақдим этилган қўшиқларда озод ва обод Ватанимиз, унинг кун сайин ортиб бораётган шоншуҳрати, дориломон кунларимизни юксак пардаларда тараннум этувчи мусиқий асарларни халқимизга тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшиқ байрамининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тизимидаги саралаш босқичлари юксак савияда ўтказилиб, унда Ватанни тараннум этувчи юзлаб қўшиқлар санъат мухлислари эътиборига ҳавола этилди.

Фарғоналик ёш хонанда Сарвиноз Камолова мазкур танловда "Ватан" номли қўшиқ билан иштирок этмоқда.

– Ватан ҳақида куй яратиш, шеър ёзиш, қўшиқ куйлаш ижодкордан катта истеъдод, билим, маҳорат, алоҳида масъулиятни талаб этади, – дейди ЎзА мухбирига Сарвиноз. – Ушбу ижодий танлов биз – ёшларни юртга содиқлик, ундан чексиз фахрланиш руҳида тарбияламоқда. Барча ижод аҳлини янги-янги мусиқий асарлар яратишга илҳомлантирмоқда.

Кўрик-танловнинг якуний босқичи иштирокчилари ижросида янграган қўшиқлар барчада катта таассурот қолдирди.

Голиб ва совриндорлар Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Назокат УСМОНОВА

ВАТАННИ КУЙЛАШ БАХТИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантириш истиқболларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда масъул вазирлик ҳамда идоралар, бизнес субъектлари вакиллари, олимлар иштирок этди.

ҚУЁШ ЭНЕРГЕТИКАСИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар энергия ресурсларидан самарали ва тежамкор фойдаланиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиши ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 5 майдаги "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда. Унда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг энергия сарфини пасайтириш, муқобил энергия манбаларини тезкор ривожлантириш, замонавий энергия тежайдиган ускуналар, мосламалар ва материаллар турлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш, янги биноларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилишда энергия самарадорлигини таъминлаш ушбу йўналишдаги ишларнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Ўзбекистон географик жойлашуви ва иқлим шароитлари бўйича қуёш энергиясини ривожлантириш учун ўзига хос қулай имкониятларга эга. Юртимиз йил давомида кузатиладиган қуёшли кунлар сони бўйича жаҳондаги кўплаб минтақалардан юқорида туради. Бундан ташқари, мамлакатимиз салмоқли илмий-техник база, қуёш энергиясини лойиҳалаштириш ва қўллаш бўйича катта ҳажмдаги конструкторлик ва технологик ишланмалар, шунингдек, тажриба ўтказишга доир юқори малакали кадрларга эга.

Мамлакатимизда жисмонан ва маънан эскирган ишлаб чиқариш қувватларини замонавий энергия тежайдиган технологияларга алмаштириш, янги лойиҳаларни амалга оширишда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шамол, қуёш, гидроэнергетика сингари муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, интеграциялашган қуёш-иссиқлик электр станцияларини жорий этишни янада кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан мазкур йўналишда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда қатор анжуманлар, ўқув-семинарлар ташкил этилиб, муқобил энергия манбалари ва бошқаларни жорий этиш, энергия тежайдиган технологияларни қўллаш соҳасида илғор халқаро тажрибани ўрганиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давра суҳбатида муқобил энергия манбаларини ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, илм-фан ва бизнес вакиллари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Б.БОЗОРОВ, ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоийда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда спорт билан мунтазам шуғулланаётган хотин-қизлар жамоалари иштирок этди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ўтказилган йиғилиш вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масаласи ва одам савдоси муаммосига бағишланди. Тадбирда вояга етмаганларни турли ёт иллатлардан асраш, маънан соғлом вояга етиши учун мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш хусусида фикр алмашилди.

• "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ва Жанубий Кореянинг "Ewha Womans University" госпитали ўртасида тузилган ҳамкорлик келишувига асосан Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида тиббий кўрик ташкил этилди. Тиббий текширувларда хорижлик шифокорлар томонидан зарур тавсия ва маслаҳатлар, бепул дори-дармонлар берилди.

• Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан Пахтачи туманида "Мустақиллик – тоғдек таянчимиз, қудратли заминимиздир" шиори остида форум ўтказилди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ташкил этилган форум доирасида "Фаллакор" фермер хўжалиги дала шийпонида партия электорати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари ва савдо-саноат палатаси вакиллари, мутахассислар, депутатлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Ҳиндистон парламенти товарлар ва хизматлар учун ягона солиқ ҳақидаги қонунни қабул қилди. Бу Ҳиндистон мустақилликка эришган вақтдан буён мамлакатда амалга оширилган энг йирик солиқ ислоҳотидир. Ягона солиқ марказий ҳукумат ва штатлар ҳукуматлари томонидан олинадиган солиқ ўрнини босиши керак. Айтиш керакки, ушбу қонун кучга киргандан сўнг Ҳиндистон иқтисодиёти 1,5-2 фоиз тезроқ ўсиши тахмин қилинмоқда.

• Японияниng "Nissan Motor" компанияси жаҳонда дастлабки қаттиқ оксидли ёнилғи элементларга эга автомобилни тақдим этди. Автомобилда ёнилғи учун тоза эталон ёки сув аралаш спиртдан фойдаланилади. Спирт учун 30 литрли бак ва литийли батарея машинанинг 600 километр йўл юришига имкон беради. Ушбу янги турдаги машинани 2020 йилда бозорга чиқариш режалаштирилмоқда.

• Хитойнинг Хубэй музофоти Циньхуандо округида тагидан автомобиллар ҳаракатланиши мумкин бўлган автобус-портал синовдан ўтказила бошланди. ТЕВ-1 деб номланган ушбу транспорт воситасининг иккинчи қавати 300 нафаргача йўловчини ташишга мўлжалланган бўлиб, унинг тагида автомобиллар икки йўналишда қатнаши мумкин. Мазкур автобус рельс ёрдамида ҳаракатланади.

ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 2 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида, жумладан, шундай сўзларни ўқиймиз: "Биз учун, ҳақиқатан ҳам, энг улуғ, энг азиз айём бўлган бу қутлуғ сана ўтган тарихан қисқа даврда босиб ўтган ғоят оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизни, амалга оширган кенг кўламли ислоҳотларимиз самарасини, қўлга киритган улкан марра ва ютуқларимизни танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш, олдимизга қўйган олий мақсад – энг тараққий топган давлатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади".

Хўш, қайси мамлакатлар *"энг тараққий топган давлатлар"* ҳисобланади?

Ер юзининг етти мамлакати ўта ривожланган. Булар – Америка Қўшма Штатлари, Канада, Германия Федератив Республикаси, Буюк Британия, Франция, Италия ва Япония. Булардан иккитаси Америка, тўрттаси Европа ва биттаси Осиё қитъасида жойлашган. Айрим ўзига хосликлари бўлишига қарамасдан, уларнинг барида айнан бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум жорий этилган.

Биз аввалбошдан илғор дунёга қараб мўлжал олдик. Шунинг учун ҳам **1991 йилнинг 31 августи Ватан ва халқ тарихида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилинган кун сифатида муҳрланиб қолади. Биз ўша кундан эътиборан ижтимоий-сиёсий тузумни ўзгартиришга ҳам жадал киришдик.**

Мустабид даврдаги Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволини бир кўз олдимизга келтирайлик.

Ислом Каримовнинг 1989 йилнинг 19 август куни сўзлаган ***"Жамиятни янгилаш учун курашаётган барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур"*** деб номланган нутқида баён этилган айрим далил ва таҳлилларга диққат қилиш ўша даврнинг охирги йилларида республикамизда иқтисодий-ижтимоий аҳвол қандай аянчли даражага тушиб қолганини тўла тасаввур этиш учун керак:

"Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи – ичимлик сув билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланганини нормал аҳвол, деб ҳисоблаш мумкин эмас...

Мактаб бинолари ҳам яроқсиз бўлиб қолмоқда, минглаб мактаблар ва бошқа социал, маданий, маиший объектлар авария ҳолатидадир. Энди бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Қаранг, бугунги кунда қишлоқларимизда 240 минг оиланинг ери йўқ, 1,8 миллиондан кўпроқ ҳовли эса уйжой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга жуда муҳтож бўлиб турибди...

Ҳайрон қоладиган ери шундаки, қишлоқлардаги ҳар беш хонадоннинг бирида бирорта ҳам чорва мол, 37 фоизида сигир, ярмисида қўй боқилмаяпти...

Кўриб турибсизки, қишлоқ меҳнаткашларига ер беришдек жўн туюлган масала ҳозир ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам долзарб сиёсий аҳамият касб этмоқда".

Эски тузум ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан бутқул таназзулга учраган эди. Халқнинг аҳволи – аввало, иқтисодга боғлиқ. Ўша даврда социалистик тизимдаги энг тараққий этган собиқ Германия Демократик Республикаси ҳам ривожланишда, яъни иқтисодий кўрсаткичлар бўйича қўшниси – Германия Федератив Республикасидан кўп орқада қолган эди. Чунки Ғарбий Германияда бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум, яъни фуқаролик жамияти ҳукмрон бўлган ҳуқуқий давлат қурилган эди...

1991 йилнинг 25 августи куни Ўзбекистон раҳбарининг Фармони қабул қилиниб, унга кўра республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди, шунингдек, республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилди.

Республикамиз раҳбари 1991 йилнинг 31 августида давлат мустақиллигини эълон қилган куни сўзлаган тарихий нутқида мамлакат ва унинг халқи олдига, талай мақсад ва режалар қатори, ***"сиёсий, иқтисодий ва маънавий эркинликка эришиш"*** вазифаси ҳам қўйилади. Бу амалда мустақил давлатда сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар эълон қилиш эди.

Юртбошимизнинг мустақилликнинг дастлабки йилларида китоб сифатида махсус битилган ***"Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли"*** (1992), ***"Ўзбекистон – бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли"*** (1993) ва ***"Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида"*** (1995) асарларида, гарчи сиёсий ва маънавий ислоҳотлар хусусида ҳам қисман сўз борса-да, **асосан, иқтисодий масалалар теран таҳлил этиб берилди.** Буни уларнинг номларидан ҳам билиб олса бўлади.

Бу борада дунёда *"тараққиётнинг ўзбек модели"* номи билан машҳур бўлиб кетган бешта тамойилнинг аҳамияти катта бўлди, албатта (Бу ҳақда газетамизнинг 2 август сонида босилган "Шарафли йўл моҳияти" сарлавҳали мақоламизда батафсил мулоҳаза юритилган).

Иқтисодий жиҳатдан нималарга эришдик?

Юртимиз илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланди (Бу ҳақда газетамизнинг 4 август сонида босилган "Тараққиётимизнинг муҳим бўғини" сарлавҳали мақоламизда батафсил фикр юритилган). Иқтисодиётимизда саноатнинг улуши 34 фоизга етди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этяпти. Бу кенг кўламли ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда.

Иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад нима?

Халқ фаровонлиги, албатта.

Халқ фаровонлиги миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири ҳисобланади. Аммо бу ғояга қатъий режа, доно сиёсат, оқилона меҳнат-машаққат билан эришилади.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар ўсди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошди.

Ким эдигу ким бўлдик?

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТУБ МАҚСАДИ

Олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан тараққиётимизнинг локомотиви бўлган етакчи тармоқларни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимизда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириб бориш, **Конституциямизда кўзда тутилган хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг самарасини янада кучайтириш, банк, молия-кредит тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштириш каби ўта муҳим йўналишларда изчил ислоҳотлар олиб борилди.**

Ўзбекистонимиз жадал тараққиёт босқичига кирди. Ислоҳотлар самара бера бошлади. Бу эса мамлакатни янада тараққий эттириш имконини яратди. Биз истиқбол режалари тузишда ҳам шунга қараб мўлжал олямпиз. **2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш мақсад қилинган.**

Қайси мамлакатда саноат кўпи ривожланган бўлса, ўша юртнинг иқтисоди мустаҳкам бўлади. Биз ҳам шу йўлдан боряпмиз. Яқин келажакда иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича белгиланган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш кўзда тутиляпти. Ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, қатъият билан илгарилаб боришимизга асос бўлаётган мезон ва омиллар – етарли.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини замон талаблари даражасида ривожлантириш, яқин ва узоқ хориж мамлакатларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни юксак даражада кучайтириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилди. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи кучга айланиб бораётир. **Қишлоққа саноат кириб боряпти. Илғор фермерлар ўзларида етиштирилаётган хомашёни ўзлари тайёр маҳсулотга айлантириш тадоригига тушган.**

Шу кунларда бозорларимизга киринг, дилингиз равшан тортади. Мамлакатимизда ҳеч бир замонда бунча кўп ва хўб мева-чева ва полиз-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмаган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг илғор технологиялари ўзлаштириляпти. Минг йиллар мобайнида фойдаланилмай ётган қирадирларда томчилаб суғориш тизими жорий этилган ҳолда ток, олма, нок, шафтоли, ўрик, олхўри экиляпти. Мамлакатимизда иссиқхоналарнинг кескин даражада кўпайгани натижаси ўлароқ бозорларимиз қишинёзин янги узилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириб турилибди. Ортиғини четга экспорт ҳам қиляпмиз.

Шу тариқа деҳқон ерга эга чиқди. Ер уни боқяпти. Ерга меҳр замирида иқтисодий манфаат ётибди, албатта. Тараққиётнинг асосий мурвати – шу. Бозор иқтисодиётининг асосий устунлиги ҳам – шунда.

Узоққа бормай, 2016 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётимизда эришилган ютуқларнинг ўзинигина кўз ўнгимизга келтирганда ҳам, бу борадаги ислоҳотларимиз қандай самара бераётгани ойдинлашади-қолади.

Жорий йилнинг ярим йилида иқтисодиётнинг етти асосий йўналишида ҳам муайян ўсишга эришилди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,8 фоизга ошди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқурлашиб бораётган бир давр учун бу – жуда қувонарли кўрсаткич. Саноатимизда 6,7 фоиз ўсиш юз берди. Қишлоқ хўжалиги 6,8 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,1 фоиз ривожланди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмини 11,8 фоиз ва пудрат-қурилиш ишлари ҳажмини 17,5 фоиз ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда 2016 – 2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури қабул қилиниб, унинг изчил ижросини таъминлашга жадал киришилди. Жорий йилнинг бошидан ана шу дастур доирасида 6 минг 500 та сервис объекти ташкил этилди. Бу эса хизматлар ҳажмининг 12,9 фоиз ошишига олиб келди. Ички маҳсулот таркибида хизматлар улуши 2015 йилнинг биринчи ярмида 57,1 фоиз бўлган бўлса, 2016 йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 57,6 фоизни ташкил этди.

Истиқлол йилларида эришган энг катта ютуғимиз шундан иборатки, фуқароларнинг иқтисодий онги ўзгарди. Бугун бозор иқтисодиёти айнан нима эканини ҳамма тушуниб етди. Аҳоли ўртасида тадбиркорлар ва ишбилармонлар тоифаси пайдо бўлди. Улар ишлаб чиқариш ва хизматларнинг турли-туман йўл-йўриқларини излаб, иқтисодий фойда кўришнинг жаҳонда синалган тажрибаларини қўллай бошлашди. Шу тариқа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси шаклланди.

Ҳунармандлардан даромад солиғи олинмайди. Бу эса соҳа ривожи учун жуда катта омил бўляпти.

Янги-янги соҳалар, техника ва технологиялар жорий этиляпти. **Бизнеснинг айнан Ўзбекистонимизга мос ва хос жиҳатлари излаб топиляпти. Хорижий мамлакатлар билан тиғиз ҳамкорликларнинг сара усуллари қўлланиляпти.**

Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан икки босқични босиб ўтди. 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган биринчи босқични Юртбошимиз *"ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришлар даври"*, **2001 йилдан 2010 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқични** эса *"мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври"* деб номлади.

Биз ҳозир учинчи – *"Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ этиш, либераллаштириш ва модернизация этиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш босқичидамиз.*

Мамлакатимизда бозор инфратузилмаси институтлари яратилди. Уларда бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб берадиган мутлақо янги молия ва икки босқичли замонавий банк тизими шакллантирилди.

Иқтисодиёт – мураккаб тушунча. У ҳаётнинг барча жабҳалари билан чамбарчас боғланган ҳолда амал қилади. Шунинг учун **бизда амалда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида чуқур ислоҳотлар ўтказилди.**

Аввало, иқтисодиёт, сиёсат ва маънавият соҳасидаги узвийлик, қолаверса, иқтисодий ислоҳотларга ана шундай комплекс ёндашув тарихан қисқа бир давр – чорак аср мобайнида ўз самарасини берди.

Олим МАҲМУДОВ

Ислоҳотлар оқимида

ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Ривожланган давлатлар тажрибасидан шу нарса маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиёт тараққиётининг етакчи кучи, у замонга қараб тез мослашади, ҳар қандай шароитда ишлаб чиқаришни ривожлантира олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида йирик корхоналарнинг фаолиятини ривожлантириб бориб, барқарор иш юритиши қийин. Масалан, бир пайтлар Яккасарой туманида жойлашган, йирик корхона номини олган "Тошкент тўқимачилик комбинати" бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмай ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлганлиги яхши маълум.

Ҳукуматимизнинг эътибори туфайли унинг ўрнида дастлаб "Яккасарой техно парк" МЧЖ, айни пайтда "Яккасарой кичик саноат зонаси" ДУК ташкил этилиб, бугунги кунда бу ерда 250 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари иш олиб бораяпти.

Яккасарой кичик саноат зонаси раҳбари Рустам Нуралиевнинг таъкидлашича, бу ерда ишбилармонлар учун арзон ижара жойи, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун етарли шароитлар яратилган. Шунинг учун ҳам тадбиркорларнинг бу жойга қизиқиши ортиб бормоқда. Бугун кичик бизнес вакиллари томонидан тўқимачилик, тикувчилик, мебель, акфа ром, металл черепица ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, бу маҳсулотлар жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради, шу сабаб ишлаб чиқарувчилар маҳсулотининг асосий қисмини экспортга йўналтирмоқда.

— 2015 йилда Яккасарой кичик саноат зонасидан 1400 квадрат метр жой олиб, янги ишлаб чиқариш линиясини жорий қилдик, — дейди тадбиркор Эркин Каримов, — аслида ишлаб чиқаришни бундан 15 йил олдин Сергели туманида "Ўзгаришагротаъминот" корхонасини очиш билан бошлаган эдик. Корхонада қишлоқ хўжалиги учун полипропилен шпагатлар ишлаб чиқардик. Вақти келиб янги лойиҳалар устида бош қотирдик. Яккасарой кичик саноат зонаси раҳбариятига учраб жой масаласини ҳал қилдик. Европадан янги технология олиб келиб ўрнатдик. Айни пайтда корхонамизда Ўрта Осиёда ягона эгилувчан металл шланглар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунда Маҳаллийлаштириш дастурига кирганимиз қўл келди. Жорий йил Наврўз байрами арафасида корхона ўз фаолиятини бошлади. Шу тариқа 20-25 киши иш билан таъминланди.



"Ўзгаришагротаъминот" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда ҳақиқатан ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганининг гувоҳи бўлдик. Европадан 156 млн. долларга иккита линия олиб келиб ўрнатилган. Хомашё Хитойдан келтирилади. Айни пайтда корхона ишчилари томонидан халқ хўжалиги учун Д-12, Д-16 ҳажмдаги ихчам 10 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Айни пайтда биринчи босқич бўйича ишларни якунладик, иккинчи босқичда маҳсулотни экспортга чиқариш мўлжалланаяпти, — дейди корхона раҳбари Эркин Каримов.

Ҳудудда иккинчи ишлаб чиқариш линиясида полипропилен шпагатлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Зеро, корхона бу маҳсулотни ишлаб чиқариш борасида 15 йиллик тажрибага эга. Цех раҳбари Шоасил Шообидовнинг айтишича, бу маҳсулот асосан қишлоқ хўжалиги техникаларига, айниқса ўрим-йиғим пайтида комбайнлар учун жуда ҳам керак.

— Келгусида ҳудудимиз атрофидаги бўш ерларни олиб, ободонлаштириб ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни ният қилганмиз, — сўзида давом этади Эркин Каримов. — Ўзим муҳандис-технологман, юртимизда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши аввало, мустақиллик шарофатидан, қолаверса биз ишбилармонларга яратиб берилаётган шарт-шароитларнинг натижасидан, деб биламан.

Яккасарой кичик саноат зонасида ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириб бораётган юқоридаги каби корхоналар кўплаб топилади.

З.ШАРИФЖОНОВ

"ЎЗБЕКИСТОН ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР ҲАМКОРИМИЗДИР"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аёллар фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда мақомини оширишга кўмаклашадиган салмоқли ўзгаришлар алоҳида эътирофга сазовордир.

Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллик юбилей санаси муносабати билан республика аҳолисини чин дилдан табриклайман ва бардавом тинчлик, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Зильке ДОБРОНСКИ,
"Kulturring in Berlin e.V." ташкилоти аъзоси (Германия):

— Ўзбекистон мустақиллик йилларида арзирли ютуқларга эришди. Мамлакатингизда сайёҳликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Бухорода ўтказиладиган "Ипак ва зираворлар" халқаро фестивали ажойиб анъанага айлангани ҳақидаги маълумотлар менда алоҳида қизиқиш уйғотган. Бундай маданиятлараро анжуманларнинг ташкил қилиниши хорижий элларда ўзбек халқининг бой меросини ўрганишга бўлган интилишни янада оширишга ҳамда маданий мулоқотнинг қўллаб-қувватланишига кўмаклашиши, шубҳасиз. Яқин вақт ичида Бухоро ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига боришга муяссар бўламан, деб умид қиламан.

Ушбу ажойиб имкониятдан фойдаланган ҳолда, тобора яқинлашиб келаётган байрам — Мустақиллик куни билан барча ўзбекистонликларни муборакбод этарканман, ўзимнинг самимий изҳорларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Пак Ки ПУНГ,
Корея Республикаси Пудратчилар халқаро ассоциациясининг раиси:

— Республикангизда саноатни ривожлантириш, унинг тизимларини янгилаш бўйича эришилган ютуқлар менда катта таассурот қолдирди. Юқори технологияга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви ҳамда диверсификациялашгани эътиборга лойиқ. Бу ўзбек иқтисодиётининг рақобатдошлиги ошишига кўмаклашади. Мамлакатда самарали саъй-ҳаракатлар ва ислоҳотларни давом эттириш, ишончли ҳамкорлик ўрнатиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Жанубий Корея компаниялари газ-кимё заводлари, электростанциялар, инфратузилма объектлари барпо этиш лойиҳаларини амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Жанубий Кореянинг барча қурилиш компанияси номидан меҳмондўст ўзбек халқини яқинлашиб келаётган ғоят муҳим воқеа — Ўзбекистон мустақиллигининг юбилей байрами билан табриклаш мен учун катта шарафдир. Халқингизга бардавом фаровонлик, бахт-саодат ва мустаҳкам саломатлик тилайман.

Шин Бом СУК,
Сеул миллий университети ҳузуридаги Осиё тадқиқотлари маркази директори:

— Суверен ривожланиш йиллари мобайнида Ўзбекистон турли жабҳаларда зўр муваффақиятларни қўлга киритди. Жумладан, республикада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоатчилик ҳаракатлари, бирлашма ҳамда жамғармалар, касаба уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари сингари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техникавий шароитлар яратилди.

Дўст Ўзбекистон халқини мамлакатингизнинг улуғ байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Йе ЯО,
Чжэцзян провинцияси Ташқи ишлар департаменти директори (Хитой):

— Кучли ижтимоий сиёсат мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ қилинаётган тараққиётнинг "ўзбек модели"даги муҳим жиҳат ҳисобланади. Ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни эса алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда ҳар бир йил муайян ижтимоий йўналишга бағишланиши ўта муҳим вазифаларнинг ҳал этилишига ҳамда муҳим ташаббусларнинг бажарилиши юзасидан давлат ва жамиятнинг эътиборини қаратиш имконини яратадики, бу мамлакат тараққиётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. 2016 йил республикада "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Шу нуқтаи назардан, "Save the Children" нуфузли халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олгани бежиз эмас.

Ўзбекистон болалари ҳамиша жисмонан соғлом, интеллектуал кучли бўлишини тилайман. Мамлакатингиз аҳлига яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами қутлуғ бўлсин.

"Жаҳон" АА.

"САВДО ВА ХАВФСИЗЛИК" КЎРИК-ТАНЛОВИ:

тайёргарлик жараёни давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 июлдаги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан савдо соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларни янада ривожлантириш ҳамда рағбатлантириш мақсадида икки босқичли "Савдо ва хавфсизлик" кўрик-танлови эълон қилинган эди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур лойиҳа соҳада фаолият олиб бораётган минглаб тадбиркорлар билан бирга, кенг жамоатчилик томонидан ҳам хайриҳоҳлик билан кутиб олинди. Зеро, кўрик-танловдан кўзланган мақсад хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини оширишни рағбатлантириш, истеъмолчилар манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Хўш, ушбу танлов жараёнлари қандай кетмоқда?

Аввало, кўрик-танлов юзасидан туғилиши мумкин бўлган барча саволларга тўлақонли жавоб бериш мақсадида 22-23 июль кунлари ҳар бир туманда савдо ва умумий овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган 300 дан 600 нафаргача соҳа вакиллари иштирокида учрашувлар ташкил этилди. Шаҳар миқёсида қарийб 7000 нафарга яқин тадбиркор билан юзма-юз мулоқотлар уюштирилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Тошкент шаҳрида жами 23 мингдан зиёд тадбиркорлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 12 мингдан ортиғи ушбу соҳадаги асосий хизмат кўрсатувчи субъектлар ҳисобланади.

Шуниси қувонарлики, бугунги кунгача қарийб 1800 нафарга яқин савдо соҳасидаги тадбиркорларимиз ушбу танловда иштирок этиш юзасидан мурожаат қилишган. Агар уларни номинациялар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак:

– "Энг яхши йирик савдо объекти" номинацияси бўйича 10 нафар;

– "Энг яхши ўрта савдо объекти" номинацияси бўйича 733 нафар;

– "Энг яхши савдо объекти" номинацияси бўйича 677 нафар;

– "Энг яхши ресторан" номинацияси бўйича 31 нафар;

– "Энг яхши кафе" номинацияси бўйича 303 нафар;

– "Энг яхши чойхона" номинацияси бўйича эса 8 нафар тадбиркорлик субъекти кўрик-танловда қатнашадиган бўлди.

Рақамлардан маълум бўлишича, мазкур тоифадаги тадбиркорлардан Мирзо Улуғбек туманида 76.3, Яшнобод туманида эса 61.3 фоизи ушбу кўрик-танловда иштирок этиш бўйича мурожаат этишган. Бу эса, тадбикорларимизда ўз фаолиятига ишончнинг мустаҳкамлигидан, қолаверса, мазкур кўрик-танловнинг муштарак мақсадларни илгари сурганидан далолатдир.

Туман ҳокимликларида кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш бўйича тузилган штабларда келиб тушган аризалар ўрганилмоқда, унинг босқичлари амалга оширилмоқда.

Аризаларнинг қабул қилиниши давом этади.

Аввал хабар берилганидек, ғолиблар катта миқдордаги пул мукофотлари, дипломлар, ҳомийлар томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланишади.

Тақдирлаш маросимининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида тантанали тарзда ташкил этилиши кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати



Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган сурат

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида фотокўргазма ташкил этилди.

ФАХР ТУЙҒУСИ

Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган кўргазмада вазирликлар, ҳокимликлар, давлат идоралари, ФЖШМҚМИ, "Камолот" ЁИҲ, партиянинг ҳудудий кенгашлари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракат, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Кўргазманинг тантанали очилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, партия фракцияси раиси Наримон Умаров сўзга чиқиб, йиғилганларни яқинлашиб келаётган Энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан мубораксбод этиб, истиқлол йилларида халқимизнинг эришган ютуқлари, хусусан партиянинг сиёсий майдонда муносиб ўрин топгани борасида сўз юритди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнади, инсон манфаатларига хизмат қилувчи ислоҳотлар ўтказилди, сиёсий партиялар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши Марказий аппарати мафкуравий ишлар бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Жўраев. — Шу ўринда партиянинг сайловолди дастуридаги ғоя ва вазифалар халқимиз орзу-ниятларига ҳамоҳанглигини таъкидлаш жоиз. Ушбу кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад кенг жамоатчиликда истиқлол шукронаси туйғусини орттириш, таъсирчан фотосуратлар орқали юртдошларимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришдан иборатдир. Партия ушбу саъй-ҳаракатларини ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аждодларга мос авлод бўлиш ва юрт тараққиётига ҳисса қўшишга ундашга қаратади. Партия томонидан мустақиллик байрами арафасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар фақат бу эмас. Олдинда ёшлар иштирокидаги мини-футбол мусобақасининг финал босқичи ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ўртасида ташкиллаштирилган иншолар танлови сарҳисоби навбат кутиб турибди.

Кўргазмада 25 йил давомида юртимиздаги ўзгаришлар, асосий ва муҳим ислоҳотлар, жумладан, бинолар қурилиши, йўллар таъмирланиши, таълим, соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқлар акс эттирилди. Шунингдек, партиянинг ташкил топганидан буён фаолияти фотосуратлар, тарғибот материаллари, ҳунармандчилик намуналари, ижодий ишлар орқали кўрсатиб берилди.

Кўргазмада партиянинг барча тузилмалари фаолияти тенг равишда қамраб олинганлиги билан аҳамиятлидир. Фотосуратлар ва ижодий ишларда партия тарихи ва бугуни, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги ўрни, сиёсий кенгаши, қуйи палатадаги фракцияси, Аёллар ва ёшлар қанотлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти, партиянинг сайловлардаги иштироки, дастурий вазифаларига мувофиқ олиб бораётган амалий ишлари акс этган. Унда "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари алоҳида бўлимларга ажралган ҳолда қатнашиб, ҳар бир ҳудудий Кенгаш соғлом рақобат асосида ўз фаолиятини намойиш этди. Ҳудудий Кенгашлар вакиллари иштирокчиларга ҳар бир ҳудуд мисолидаги бунёдкорлик намуналари, амалий ишлар акс этган фотосуратлар тақдим этдилар. Шу билан бирга меҳмонлар даврасида қизиқарли ўйинлар, викторина саволларидан иборат беллашувлар ташкил этиб, ғолибларни тақдирладилар.

Зиёда РАСУЛОВА

ЭЛЕКТРОН БОЖХОНА ХИЗМАТИ: ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР ВА ХАВФСИЗ

Иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани барқарорликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир. 2016 йил 10 июндан кучга кирган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун жамиятни ахборотлаштиришни кенгайтириш, халқимиз ҳаёт даражаси янада юксалишига замин яратмоқда.

Электрон ҳукумат тизими давлат органларида фойдаланилаётган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини интеграциялашга йўл очди. Бу божхона органлари фаолиятида ҳам яққол ўз ифодасини топмоқда. Божхона расмийлаштирувида интерфаол хизматлардан фойдаланиш, расмийлаштирув жараёнларини кескин қисқартириш, соҳада очиқликни таъминлаш имкони кенгайди.

Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида янги таҳрирдаги Божхона кодексида ҳам бу масалага кенг ўрин берилган.

– Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг божхона органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган замонавий шакллари жорий этилгани фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кенг қулайликлар яратди, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати катта инспектори Ҳусан Тангриев. – Бунга кейинги йилларда божхона соҳасининг турли йўналишлари бўйича ахборотларни вақтида йиғиш, назорат ва таҳлил қилиш, қайта ишлашга мўлжалланган ахборот дастурлари жорий қилингани кенг йўл очди. Айни пайтда тадбиркорлик субъектларининг деярли барчаси божхона декларацияларини расмийлаштиришни бевосита электрон шаклда амалга ошираётир.

Бу жараёнда аввал мавжуд бўлган ортиқча қоғозбозлик, келиб-кетиш ёки навбат кутишга вақт йўқотишдек ҳолатлар ёки айрим бюрократик тўсиқлар бутунлай барҳам топди.

Давлат божхона назоратининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона назоратини амалга оширмоқда. Уларга доир ҳужжатлар ва маълумотлар киритилиши, ҳисобга олиниши ҳамда мониторинг қилиниши шу тизим орқали амалга оширилмоқда.

Божхона иши, қоида тариқасида, ахборот-коммуникация технологияси асосида амалга оширилаётир. Юридик ёки жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик шахслар божхона ишида бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилувчи божхона органларининг ахборот тизимларидан фойдаланиши мумкин. Божхона ишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Божхона ишида фойдаланиладиган ахборот ресурсларига тўхталадиган бўлсак, бу божхона органларининг ахборот тизимларида яратилган, ишлов бериладиган ва тўплаб бориладиган маълумотлар базасини ўз ичига олган ҳужжатлаштирилган ахборот мажмуидир. Божхона органларининг ихтиёрида бўлган ахборот ресурслари очиқдир ва улардан ҳамма эркин фойдаланиши мумкин. Бундан улардаги ахборотдан фойдаланиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чекланган ҳоллар мустасно.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тўғрисида ахборот беришда ҳам интерфаол усуллардан фойдаланилмоқда. Божхона органлари расмий веб-сайтларида жойлаштирилган божхона тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига доир ахборотдан барча шахслар монеликсиз фойдаланиши мумкин.

Божхона органларининг мансабдор шахслари манфаатдор шахсларга божхона иши масалалари ва божхона органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалалар юзасидан маслаҳат берганда ҳам электрон усулдан фойдаланиш имкониятига эга. Аниқроқ айтганда, божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан маслаҳат бериш божхона органлари жойлашган ерда ва уларнинг иш вақтида амалга оширилади. Божхона органлари томонидан маслаҳат бериш оғзаки, электрон ёхуд ёзма шаклда бепул амалга оширилади.

Божхона соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан кенг фойдаланилаётгани ташқи иқтисодий фаолият самарадорлиги ошишига хизмат қилаётир. Ўз навбатида, бу ички бозорни сифатсиз ва контрабанда маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига қулай шароит яратиб, уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтирмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА

МУРОЖААТЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Энг муҳими, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани амалда кутилган самараларни бермоқда.

Шу маънода "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг давлат органларига мурожаат этиши тартибини янада такомиллаштириш, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги бўшлиқни тўлдириш, ушбу соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга нисбатан қўйилган талаблар, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби белгиланган. Мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари қайд этилган. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам ушбу қонунда ўзининг аниқ ифодасини топган.

Ушбу қонун билан биринчидан, юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмоқда. Мурожаатнинг шакли сифатида электрон мурожаатни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бериш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадваллари вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек, қабул қилиш тартибини давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказиш белгилаб қўйилди.

Давлат органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас.

Қонунда шахсий қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан аудио ва видео ёзув, шунингдек, фотосуратга олиш имконини берадиган махсус техника воситалари қўлланилиши, давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслар томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни қонун талабига кўра, ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Шунингдек, ушбу қонунда жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланди.

Бунда мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги ариза давлат органлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмаслиги лозим.

Қонунда мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида, мурожаатларни бир йилда камида бир марта умумлаштириши ва таҳлил қилиб бориши белгиланди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, ҳаётда айрим мутасаддилар томонидан мурожаатларни белгиланган тартибда кўриб чиқишда сансалорлик ва расмиятчиликка йўл қўйиш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этмаслик каби ҳолатлар ҳам учраб туради. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, қонунда тегишли меъёрлар белгиланган.

Айтиш керакки, қонунда мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари ҳам белгиланган. Яъни, аноним мурожаатлар. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўрмасдан қолдирилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир раҳбар, масъул ходим мурожаатга жиддий эътибор бериши, унга белгиланган муддатда жавоб қайтариши лозим.

Мақсуд ҒУЛОМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Бектемир туман бўлими катта суриштирувчиси

Кўргазма

БОҚИЙ МЕРОС

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида марҳум таниқли мўйқалам соҳиблари – Ўзбекистон халқ рассомлари Рўзи Чориев ҳамда Малик Набиев асарлари кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори тасвирий санъатда ҳам ижод эркинлиги, ижодкорларнинг самарали ижод қилиши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилаётганини таъкидлади. Шунингдек, ўзларидан бебаҳо мерос қолдирган таниқли мўйқалам усталарининг асарларини ўрганиш ва тарғиб қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Рўзи Чориев ва Малик Набиевнинг кўргазмага қўйилган асарларида миллий давлатчилигимиз, маънавиятимиз, адабиёт, санъат соҳалари равнақида ўчмас из қолдирган тарихий шахслар, буюк алломалар, адиб ва шоирлар сиймоси, бетакрор она табиатимиз, обод шаҳару қишлоқларимиз, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимиз қиёфалари сержило рангларда моҳирона акс эттирилган.

Кўргазма экспозициясида ҳар иккала ижодкор яратган рангтасвир, портрет, манзара жанрларидаги саксонга яқин асар намойиш этилмоқда.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, шунингдек, унинг қуйи тизимидаги ходимларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларида, улар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатларининг поймол бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи "ишонч телефони" тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

Спорт янгиликлари

ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан тасарруфдаги Ўқув спорт техника клубларининг спортчилари ўртасида спортнинг ёзги биатлон тури бўйича шаҳар биринчилиги ва очиқ чемпионатининг финал босқичи ташкил этилди.

Қизғин баҳс ва мунозаралар остида кечган мусобақа Чирчиқ шаҳрининг Жалолиддин Мангуберди номли марказий спорт мажмуасида ўтказилди. Мусобақани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига кенг миқёсда жалб этиш орқали ҳар жиҳатдан жисмонан баркамол қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Ёшлар ўртасида ташкил этилган чемпионатда спортчилар дастлаб 1500 метрга югуриш, сўнг ётган ҳолатда милтиқдан ўқ отишди. Мусобақанинг сўнгги босқичида яна 1500 метрга югуриб, финишга йўл олишди.

Қатнашчиларнинг умумий натижаси маррага биринчи бўлиб етиб келганига қараб, шунингдек, ўйин давомида қўлга киритган балларига кўра белгиланди ва умумий натижалар ҳисобланиб ғолиб аниқланади.

Қизғин тарзда ўтган мусобақада ўғил болалар ўртасида 1-ўринни Юрий Галушко, 2-ўринни Руслан Маматқулов, Азамат Файбуллаев 3-ўринни эгаллаб, диплом ва эсдалик совғаларни қўлга киритдилар.

Қиз болалар ўртасида эса 1-ўринни Елизавета Карачан, 2-ўринни Александра Марченко, 3-ўринни Мухлиса Тагиева эгаллаб диплом ва совға билан тақдирландилар. Натижаларга кўра жамоалар ўртасида 1-ўрин "Ватанпарвар" "Миробод ЎСТК", 2-ўрин "Яшнобод ЎСТК", 3-ўрин "Сергели ЎСТК" УК жамоаларига насиб этди.

Зарина РУСТАМОВА

ЎЗБЕКИСТОН – КУБОК СОҲИБИ



Темур Мамадаминов (ЎзА) олган сурат

Пойтахтимизда футбол бўйича ўн тўққиз ёшлилар ўртасида Марказий Осиё футбол ассоциацияси кубоги учун мусобақа бўлиб ўтди.

Мазкур нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Марказий Осиё футбол ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Биринчи марта ташкил этилган халқаро турнир учрашувлари пойтахтимиздаги "Пахтакор" ва "Жар" стадионларида ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистон терма жамоалари аъзолари ўзаро куч синашди.

Мусобақада мамлакатимиз иккита терма жамоани майдонга туширди.

"А" гуруҳида ўйнаган Ўзбекистон-2 жамоаси дастлабки баҳсда Қирғизистон терма жамоаси билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади, иккинчи учрашувда Афғонистон футболчиларини 2:0 ҳисобида енгди.

"В" гуруҳида тўп сурган Ўзбекистон-1 жамоаси Туркманистон вакиллари устидан 3:0 ҳисобида устун келди, иккинчи ўйинда тожикистонлик тенгдошларини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Финалда Ўзбекистон-1 жамоаси Қирғизистон жамоаси билан майдонга тушди. Қизғин курашлар остида ўтган учрашувнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси Исломбек Қобилов бурчакдан узатилган тўпни боши билан рақиб дарвозасига киритди – 1:0. Иккинчи бўлимда ҳам ёш футболчилар ҳужумкор ўйин намойиш этган бўлса-да, ҳисоб ўзгармади.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ

ТАРБИЯ ВА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИ

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 238-умумтаълим мактабида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактик ҳисобда турувчи ёшларни спорт ва касб-ҳунарга жалб этиш мақсадида тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, халқ таълими бош бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган оромгоҳга пойтахтимизда истиқомат қилувчи, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган ва фаол ёшлар жалб қилинди.

Оромгоҳдан кўзланган мақсад "тенгдош – тенгдошга" тамойили асосида оғир муҳитда ўсаётган болалар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида камол топтириш, ёз мавсумида бўш вақтини мазмунли ташкил этишдир.

– Мазкур оромгоҳни ташкил этишдан мақсад вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик иллатлари тарқалишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларни соғлом ҳаётга қайтаришдир, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Акмал Жумабоев. – Бу ерда болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши, саломатлигини тиклаши, маънавиятини бойитиши учун барча зарур шароитлар муҳайё. Ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ёшларга ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик ва диний экстремизмнинг инсон тарбиясига етказадиган салбий таъсири ҳақида маълумотлар бермоқда.

(ЎзА)

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди хайрия тадбири доирасида Корея Республикасининг "Junior Chamber International – JCI" халқаро ёшлар ташкилоти молиявий кўмагида юрагида туғма нуқсони бўлган бир гуруҳ ўзбекистонлик болаларнинг Жанубий Кореядаги етакчи клиникалардан бирида даволанишини ташкил этди.

Баркамол авлод тарбияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. "Соғлом авлод учун" фонди ҳам ушбу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Фонд ўз фаолияти давомида ўзбекистонлик болаларни мамлакатимиз ва хориждаги энг яхши клиникаларда соғломлаштиришга доир турли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, "Junior Chamber International – JCI" халқаро ёшлар ташкилоти билан ҳамкорлик самарасида 2008-2015 йилларда Жанубий Корея мутахассислари Ча университети қошидаги "Пундан Ча" госпиталида юртимиздан 56 болани операция қилди.

Яқинда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида юрагида туғма нуқсони бўлган 25 бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 4 нафари Ча университети қошидаги "Пундан Ча" госпиталига даволаниш учун юборилди.

– Фарзандларимиз саломатлиги давлатимизнинг доимий эътиборида эканига бугун яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, – дейди Жиззах вилоятининг Зомин туманидан Ш.Норқулова. – Ўғлим Сардорбек ҳам бошқа болалар қатори яхши кайфиятда қайтди. Шифокорлар яқин вақт ичида улар жисмоний машқлар билан ҳам шуғулланиши мумкинлигини айтишди. Фарзандларимизга шундай ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

Қилмиш-қидирмиш

ТЕГИШЛИ ЖАЗО ОЛДИ

"Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас" деганларидек бизнинг "қаҳрамон"имиз ҳам жиноятга қўл уравериб ўрганиб қолди. У бир маротаба эмас нақ олти маротаба жиноятнинг жирканч кўчасига кириб, тегишли жазоларини олди. Бироқ букрини гўр тузатади, деганларидек у бундан тўғри хулоса чиқариб олмади.

Ота-она фарзанди дунёга келганида бир дунё орзулар билан Бахтиёр (исм-шарифлар ўзгартирилган) деб исм қўйганди. Афсуски Бахтиёр ўз исмига номуносиб фарзанд бўлди. Ота-онасини, қариндош-уруғларини ўзининг ножўя хатти-ҳаракати билан бошларини эгди.

Кунларнинг бирида у таниши Толибжон билан учрашди.

"Жонажон дўстим Ҳотамбек Бўрибеков 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Уни ҳозирги ўтирган муассасасидан бошқа муассасага ўтказишнинг иложи борми?" дея Толибжон Бахтиёрдан ёрдам сўради.

"Пул бўлса чангалда шўрва, дейдилар. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор. Мен дўстингизнинг жазосини Бош прокуратурадаги мансабдор танишларим орқали уларга пул бериб, Ҳотамбекни ИИВ ЖИЭББга қарашли жазони ижро этиш муассасасига жойлаштиришда ёрдам бераман" деди Бахтиёр танишига.

"Қанча пул беришим керак?" сўради ундан Толибжон.

"От билан туя бўлармиди. Атиги 900 АҚШ доллари бўлади" деди Бахтиёр соддагина танишини чув туширагётганидан хурсанд бўлиб.

Шундай қилиб Бахтиёр танишидан сўраган пулларни олди. Аммо ваъдасини бажармади.

Суд Бахтиёр Козимбековга жазо тайинлашда судланувчи муқаддам ҳам судланганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган моддий зарар қопланганлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, қарамоғида турмуш ўртоғи ва икки нафар фарзанди борлиги, пора беришга далолатчилик жинояти учун илгари бир неча маротаба судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармай жазони ўташ даврида яна қасддан янги жиноятлар содир этганлиги эътиборга олинди.

Суд Бахтиёр Козимбековни 8 ой муддатга корхона, муассаса ва ташкилотларда раҳбарлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 6 йил 9 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Марина ВАСИЛЬЕВА,
Мирзо Улуғбек туман прокурори ёрдамчиси
Хонбиби МАҲАМОВА,
журналист

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати ёшлар лигаси 17-тури доирасида "Бунёдкор" ўринбосарлари "Сўғдиёна" вакилларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратди.

ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА

Шу куни иккала жамоа таркибида ҳам бир қанча номдор футболчилар тўп тепишди. "Бунёдкор" ёшларининг бир нечта вакиллари Жасур Абдураимов бошчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига жалб этилгани боис, улар ўрнини асосий таркибга номзод бўлган бошқа футболчилар тўлдиришди.

Ўйиндаги яққол устунлик "Бунёдкор" футболчилари томонида бўлди. Рақиб дарвозаси олдида юзага келган қатор хавфли вазиятлар 35-дақиқада пенальти билан якунланди. 11 метрлик нуқтадан Достонбек Ҳамдамов аниқ зарба бериб ҳисобни очди. Биринчи бўлимда бошқа гол киритилмади.

Танаффусдан кейин "Бунёдкор" ёшларининг ҳужумлари янада кескинлашди. Натижада, 54-дақиқада Достонбек Ҳамдамов ташкил этилган чиройли комбинацияни гол билан якунлади. Шундан кейин бўлим ўрталарида жиззахликлар дарвозаси яна икки бор аниқ нишонга олинди. Достонбек Ҳамдамов "хет-трик" қайд этган бўлса, яна бир гол Фарруҳ Икромов ҳисобига ёзилди. 77-дақиқада "Сўғдиёна" ҳужумчиси Мўмин Мелиев пенальтидан ҳисобни қисқартирган голга муаллифлик қилди.

Шу тариқа, "Бунёдкор" ёшлари ўз ҳисобларига навбатдаги уч очкони ёздириб мусобақа жадвалидаги якка пешқадамликларини давом эттиришмоқда.

РАҚИБЛАР ЕНГИЛДИ

Грузиядаги "Фьючерс" турнирида қатнашган тажрибали теннисчимиз Шонигмат Шофайзиев нимчорак финалда ишончли ғалабага эришди.

Мусобақанинг жуфтлик беллашувларида мезбонлар вакили Георгий Цивадзе билан ҳамкорликда ўйнаётган ҳамюртимиз илк учрашувини италиялик Эттор Капелло ва Люка Томасеттога қарши ўтказди.

Қизғин ўтган баҳсда Шонигмат шериги билан бирга биринчи сетда 6:3 ҳисобида осонлик билан зафар қучди. Ўйиннинг иккинчи сетида эса европалик рақиблар анчайин жиддий қаршилик кўрсатишди. Шунга қарамасдан, ҳамюртимиз йўллаган бир қанча аниқ зарбалар эвазига иккинчи сет 7:6 ҳисобидаги ғалаба билан якунланди.

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

Ҳамюртимиз Азизбек Ҳайдаров фаолият олиб бораётган Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал Шабаб" жамоаси янги мавсумга ҳозирликни Германияда ўтказмоқда.

Аҳамиятлиси, Италиянинг "Лацио" клубига қарши ўртоқлик учрашувини ўзбекистонлик маҳоратли футболчи ҳар доимгидек "Ал Шабаб" жамоаси сардори сифатида ўтказди. Мазкур ўйин Гутерслохдаги "Ҳайдевалдштаион" майдонида бўлиб ўтди. Тенг курашлар остида кечган баҳсда кучлар тенг келди – 0:0.

Ҳамюртимиз ўйинда тўлиқ 90 дақиқа ҳаракат қилиш баробарида италияликларнинг бир қанча хавфли ҳужумларини тўхтатиб қолишга эришди. Мазкур беллашув маҳоратли ярим ҳимоячимизга кузда бошланадиган муҳим учрашувлар олдидан тайёргарлик вазифасини ўтаб берди.

Ботир ХЎЖАЕВ

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган мамлакат XXV миллий чемпионатининг 17-тур баҳсларидан сўнг турнир жадвалида карвонбошилик қилаётган "Локомотив" ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 17-тур учрашувлари ҳам муросасиз курашлар остида кечди. Тошкентда "Андижон" жамоаси билан куч синашган "Локомотив" клуби меҳмонларни 3:1 ҳисобида мағлуб этди. Дарвозаларга голларни "Локомотив"дан – С.Жепаров (2 та), С.Шоаҳмедов, "Андижон"дан – Р.Аҳмедов йўллашга муваффақ бўлишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Қўқон – 1912" – "Пахтакор" – 1:1, "Бухоро" – "Обод" – 1:0, "Насаф" – "Олмалиқ" – 2:1, "Металлург" – "Машъал" – 6:0, "Навбаҳор" – "Нефтчи" – 2:1, "Бунёдкор" – "Сўғдиёна" – 1:0, "Қизилқум" – "Шўртан" – 2:0.

Футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи учинчи босқичига тайёргарлик кўраётган Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 24 августда Тошкентда Яман миллий терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашиши керак эди.

НАВБАТДАГИ РАҚИБ – БУРКИНА-ФАСО ТЕРМА ЖАМОАСИ

Аммо Яман футбол федерацияси илтимосига кўра Яман миллий терма жамоаси Тошкентга кела олмайди ва Самвел Бабаян шогирдларига қарши ўртоқлик беллашувида майдонга туша олмайди. 24 август куни Тошкентдаги "Бунёдкор" стадионида Ўзбекистон ҳамда Буркина-Фасо миллий терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик учрашуви уюштирилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **12 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.30
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ